

МОЛИЯВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР FINTECH КОМПАНИЯЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Шодиев Э.Т. - STARS International University
“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси
ўқитувчиси, PhD

Расулова Н.Ю. - Тошкент давлат иқтисодиёт
университети Магистратура бўлими МТХТ-01
гуруҳи 2-босқич талабаси

Аннотация. Мақолада молиявий технологиялар (FINTECH) компанияларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш муаммолари ва уларнинг ечимлари ўрганилган. Жумладан, молиявий технологиялар (FINTECH) компанияларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришга таъсир этувчи муаммолар ва уларнинг ечимлари билан боғлиқ масалалари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: FINTECH компаниялари; HashMicro бухгалтерия дастурий таъминотининг интеграциялашган модули; Big Data; рақамли технологиялар; Интернет буюмлар (IoT); Булутли технологиялар.

Fintech (молиявий технологиялар) — бу молиявий муассасалар ва компанияларга бизнеснинг молиявий жиҳатларини бошқаришга кўмаклашадиган технологиялар ҳисобланади. Улар сирасига: дастурий таъминот, иловалар, жараёнлар ва бизнес-моделлар киради. Шунингдек, Fintech тушунчасини банкларга банк-молия бозоридаги замонавий рақобатчи тармоқ сифатида кўриш мумкин.

Ўзбекистонда молиявий технологиялар (FINTECH) компанияларида фаолиятини такомиллаштириш камайтириш бўйича барча зарур чоралар кўриляпти. Жумладан, Президентимиз томонидан Молиявий секторни изчил ислоҳ қилиш давомида молиявий технологиялар (FINTECH) компанияларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид махсус Фармони (ПФ5992) имзоланди.

Жумладан, “Молиявий секторни изчил ислоҳ қилиш давомида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди ва натижада илғор банк бизнесини юритиш ҳамда ушбу секторда рақобат муҳитини кучайтириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди.

Хусусан, халқаро стандартларга мувофиқ келадиган ва молиявий соҳага хорижий инвестициялар киритиш учун жозибадор ҳуқуқий муҳитни яратадиган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги ҳамда «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги янгиланган қонунлари қабул қилинди.

Шу билан бирга, банк соҳасидаги ҳозирги ҳолат таҳлили банк секторида давлатнинг юқори даражадаги аралашуви, давлат иштирокидаги банкларда менежмент ва таваккалчиликларни бошқариш сифатининг етарли эмаслиги, иқтисодий молиявий воситачиликнинг паст даражаси каби банк секторини иқтисодий янгилашлар ва жамият эҳтиёжларига мос равишда ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш, банкларнинг худудларга кириб боришини кенгайтириш ва барча аҳоли пунктларида бир хил турдаги хизматлар кўрсатилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши лозим.

Банк тизимига замонавий сервис ечимлари асосида ахборот технологияларини, молиявий технологияларни кенг жорий этиш, ахборот хавфсизлигини лозим даражада таъминлаш, шунингдек, молиявий хизматлар кўрсатишда инсон омили таъсирини камайтириш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўриш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон Фармонида 2-илоvasи “Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган «ЙЎЛ ХАРИТАСИ»нинг III. Қонунчилик базасини такомиллаштириш 20-пунктида Нобанк молиялаштиришнинг янги бизнес-моделларини жорий қилиш, жумладан қуйидагилар учун ҳуқуқий базани яратиш вазифаси қаторида юқори технологияли молиявий хизматларни тақдим этувчи компаниялар («фин-тех» компаниялар) фаолиятини йўлга қўйиш вазифаси алоҳида белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг рақамли инфратузилмасини, жумладан молиявий технологияларни ривожлантириш мақсадида "Ўзбектелеком" АК томонидан қуйидаги тадбирлар амалга ошириш режалаштирилган:

оптик толали алоқа линиялари, халқаро коммутация марказларини модернизация қилиш ва ривожлантириш орқали минтақавий ва халқаро телекоммуникация тармоқларининг, Ўзбекистон Республикасининг чегарадош Марказий Осиё давлатлари билан транзит алоқаларининг ўтказувчанлик қобилиятини кенгайтириб бориш;

тақдим этилаётган хизматлар ҳажмини ошириш, резервлаш, тизимларнинг ишончлилигини таъминлаш, шунингдек, аҳоли пунктлари ва ижтимоий объектларни кенг поласали хизматлардан фойдаланиш имконияти билан таъминлаш учун маълумотлар узатиш тармоғини кенгайтириш;

мобил алоқа тармоғини 4G ва 5G технологияси бўйича ривожлантириш, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар марказларини бешинчи авлод алоқа тармоғи билан босқичма-босқич қамраб олиш;

барча аҳоли пунктлари ва ижтимоий объектларни оптик ва мобил кенг поласали хизматлардан фойдаланиш тармоқлари билан қамраб олиш;

автомагистрал ва темир йўллари, туристик объектларни мобил алоқа тармоқлари билан қоплашни таъминлаш;

Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиш тарифларини такомиллаштириш ва оптималлаштириш;

Фуқароларнинг ўсиб бораётган ахборотга эҳтиёжларини қаноатлантириш учун кенг полосали симсиз ва мобил технологияларни янада ривожлантириш;

«булутли» ҳисоблашлар асосида маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказларини (“DataCenter”) ривожлантириш, фойдаланувчи талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг ахборот ресурсларига доимий уланишни таъминлаш;

Мамлакатимиз ҳудудида давлат органлари, жисмоний ва юридик шахслар учун ахборотни сақлаш, қайта ишлаш, ҳимоя қилиш ва электрон давлат хизматларининг фойдаланувчанлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш;

Шаҳар инфратузилмасини бошқаришда рақамли технологияларни жорий этиш орқали «катта маълумотлар» (“Big data”), «интернет буюмлар» (“IoT”), «блокчейн» технологияларини кенг жорий қилиш, «ақлли» ва «хавфсиз» шаҳар лойиҳаларини изчил амалга ошириш;

шаҳарлар ва қишлоқлар ўртасидаги рақамли тенгсизликни камайтириш.

Молиявий технологиялар (FINTECH) компанияларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш муаммолари ва уларнинг ечимлари қатор олимларни илмий ишлари ва адабиётларда ўз аксини топган. Иқтисодчилар орасида молиявий технологиялар (FINTECH) компанияларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш муаммолари ва уларнинг ечимлари ҳақида умумий тушунча мавжуд эмас.

Танланган тадқиқот мавзуси доирасида молиявий технологиялар (FINTECH) компанияларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш муаммолари ва уларнинг ечимлари моҳиятини ва мақсадини, чуқур таҳлил қилишни талаб этади.

Соҳа мутахасисларини илмий ишларини ўрганиб, ушбу молиявий технологиялар (FINTECH) соҳанинг иқтисодий аҳамиятини хизматлар соҳаси молия бозоридаги банк-молия муассасаларининг инновацияларга интилиш нуқтаи назаридан кўриб чиқиш зарурлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Иқтисодиётнинг молиявий технологиялар (FINTECH) компанияларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш муаммолари ва уларнинг ечимларини тадқиқ этиш борасида бир қанча илмий изланишлар олиб борилмоқда.

М.Р.Қулметовнинг (2019) фикрича, молиявий технология – бу молия соҳасида замонавий рақамли технологиялардан фойдаланиш тушунилади. Яратилган янги инновацион технологиялар блокчейн ва сунъий интеллектлар молиявий соҳада янги бизнесни очишга хизмат қилади. Бу яратилган технологиялар, электрон тўловлар, банк иши, суғурта, кредит ва активларни бошқаришни рақамли технология орқали қўллаб қувватлайди.

Олимнинг шунингдек, молиявий технологияларнинг энг замонавий хизматларидан бири бу робоэдвайзинг (инг. robo-advising — «Хайтек»)

тушунчасини ҳам тадқиқ этган бўлиб, олимнинг фикрича Робоедвайзинг – бу автоматлаштирилган платформа бўлиб, аҳолида инвестицияни бошқариш ва ташкил этиш сервисини таклиф этади.

Э. А.Муминованинг (2020) фикрича Японияда асосий молиявий технология (FinTech) хизматларини кўрсатувчи дастурий маҳсулотлар ва компаниялар мавжуд бўлиб, мазкур компаниялар ёрдамида уйда ўтириб корхоналар бухгалтериясини бемалол юритиш имкониятини берувчи махсус ҳисоб платформасидан исталган фуқаро фойдаланиши мумкин. Оила бухгалтерияси ва уй хонадон бюджети тақсимотини тўғри амалга ошириш учун махсус дастурий таъминотдан фойдаланиши, оила даромадлари ва харажатлари ҳисобини оптималлаштириши, уй хўжалиги бухгалтериясини юритиш имконини берувчи дастурий маҳсулотлар, маълумотлар базасини аутентификациялаш, турли махсус жамғармалар тузиш ва улардан самарали фойдаланиш имконини берувчи дастурлар, иқтисодий маслаҳатлар бериши мумкин бўлган робот-консультантлар хизматидан фойдаланиши, микроинвестицияларни амалга ошириш имконини берувчи махсус фондлар, шунингдек, корпоратив молиявий бошқарув жараёнида юридик ва жисмоний шахсларнинг турли транзакция ва активларини самарали бошқариш имкониятини берувчи махсус дастурий таъминот турларини таклиф этувчи корхоналар хизматларидан фойдаланиши мумкин.

Тадқиқот ишини бажаришда кузатиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш, маҳаллий ва хорижий олимларнинг Молиявий технологиялар (FINTECH) компанияларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш муаммолари ва уларнинг ечимларига бағишланган тадқиқотлари, соҳани тартибга солувчи қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш асосида Молиявий технологиялар (FINTECH) компанияларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш муаммолари ва уларнинг ечимларига қаратилган хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Бугунги кунда молиявий технологиялар (FINTECH) компанияларида HashMicro бухгалтерия дастурий таъминотининг интеграциялашган модулидан дунё миқёсида кенг қўлланиб келинмоқда.

Молиявий технологияларни ривожланиши турли хил инновацион FINTECH маҳсулотларининг пайдо бўлишига олиб келди. Мазкур маҳсулотлар инсонлар турмуш тарзи фаровонлигини молиявий жиҳатдан таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Шундай қилиб, HashMicro бухгалтерия ҳисоби учун бир қатор дастурий таъминотларнинг интеграциялашган модулни тақдим этади. Мазкур модул айнан қуйидаги Fintech-маҳсулотлари эҳтиёжларига мос тушади:

Заҳираларни бошқариш тизими

Бухгалтерия ҳисоби учун HashMicro дастурий таъминотининг заҳираларни бошқариш тизими билан интеграциялашган модули компанияларга омбор операцияларини ўтказиш ва заҳиралар умумий қийматини ҳисоб-китоб қилиш имконини беради.

CRM-сотув тизими

CRM-сотув тизими билан интеграциялашув нафақат сотувлар самарадорлигини таъминлайди. Балки, мижозлар томонидан тўланмаган дебиторлик қарзларини назорат қилиш имконини беради.

Харидлар тизими

Харидларни турли бўлинмаларда рўйхатга олиниши одатда тушунмовчиликларни келтириб чиқаради. Бироқ интеграциялашган модул воситасида компаниянинг харидларни марказлашган тартибда таҳлил қилиш ва назорат қилиш имкони бўлади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллифлар томонидан молиявий технологиялар (FINTECH) компанияларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга қаратилган ечимлари таклиф этилди:

Ҳозирги кунда молиявий технологиялар (FINTECH) компаниялари сони кун сайин кўпайиб бормоқда. Уларнинг ҳар қайсиси мижозларга нисбатан алоҳида хусусиятларига эгаллиги билан бир-биридан ажралиб туради. Бироқ, пул оқимлари устидан тегишли бошқарув тизимини йўлга қўйилмаслиги сезиларли йўқотишларга олиб келади. Шунинг учун бухгалтерия ҳисобининг замонавий автоматлаштирилган дастурий таъминотларини амалиётга кенг жорий қилиниши FINTECH компанияларининг молиявий бозорлардаги рақобатбардошлилигини оширишга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Philip Smith. (2022) The accountant's essential role in fintech. <https://abmagazine.accaglobal.com/global/articles/2022/jun/business/the-accountant-s-essential-role-in-fintech.html>

2. Қулметов М.Р. (2019) Банклар ўртасидаги рақобатни оширишда молиявий технологиялар (fintech)нинг аҳамияти. Молия ва банк иши электрон илмий журнали. VI сон. ноябрь - декабрь, 2019

3. Муминова Э. А. (2020) Иқтисодиётни рақамлаштиришда FINTECH технологиялар ва уларни жорий этишнинг хорижий тажрибаси. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 5, sentyabr-oktyabr, 2020 yil

4. <https://finacademy.net/materials/article/fintech>

5. Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ–5992-сон Фармони.